

№01-07/10  
25.08.2022 й.

**ТАСДИҚЛАЙМАН**  
Ўзбекистон Республикаси  
“Ўзархив” агентлиги  
директори, Ҳайъат раиси



У.М. Юсупов  
2022 йил 25 август

**“Ўзархив” агентлиги Ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши  
10-сон БАЁНИ**

2022 йил 25 август

Тошкент ш.

**Раислик қилувчи:**

У.М.Юсупов

“Ўзархив” агентлиги директори, Ҳайъат  
раиси

**Қатнашдилар:**

Ш.Садиков, Х.Исаев, Д.Кучарова,  
А.Мамазаров, Д.Закирова

“Ўзархив” агентлиги Ҳайъати аъзолари

**Таклиф қилинганлар:**

Ж.Хушвақтов

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси бош мутахассиси;

Агентлик марказий аппарати ходимлари.

**КУН ТАРТИБИ:**

I. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуни ижроси тўғрисида.

II. “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ва мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари бўйича 2022 йил III ва IV чорак учун фаолияти кўрсаткичлари тўғрисида (У.Юсупов).

III. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор, фармойишлари, топшириқларида белгиланган вазифалар ижроси тўғрисида (Ш.Садиков, Д.Юсупов).

IV. Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармониغا мувофиқ, “Инсон кадрини

улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар ижроси тўғрисида;

**V. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг 2022 йил 25 июлдаги 117-сон баёни ижроси тўғрисида.**

Кун тартибидаги масалалар бўйича берилган маълумотлар ва билдирилган фикр-мулоҳазалар муҳокамаси асосида **қарор қилинди:**

### **I. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуни ижроси тўғрисида.**

*(У.Юсупов, Ж.Хушвақтов, Ш.Садиков, Х.Исаев, Ш.Хожибоев, Д.Кучарова, А.Маманазаров, Д.Закирова, У.Юсупов)*

1. “Ўзархив” агентлиги директори У.Юсуповнинг Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуни ижроси тўғрисидаги ахбороти, хусусан:

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуни ижроси юзасидан “Ўзархив” агентлигининг 2022 йил 12 августдаги 153-сон буйруғи қабул қилинганлиги;

“Ўзархив” агентлигининг Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги томонидан “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини амалга ошириш бўйича тадбирлар режаси тасдиқланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ва “Ўзархив” агентлиги ҳамкорлигида 2022 йил 25 август куни “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуни тарғиботи юзасидан тадбири ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосари (Ш.Садиков), бўлим бошлиғи (О.Суюнов) икки ой муддатда “Ўзархив” агентлигининг тегишли хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши бўйича таклифлар ишлаб чиқилишини таъминласинлар.

3. Белгилаб қўйилсинки, давлат фуқаролик хизмати соҳасида “Ўзархив” агентлиги давлат фуқаролик хизмати қонунчилигини таъминлашда:

кадрларни саралаш ва танлаш, давлат фуқаролик хизматчиларига давлат фуқаролик хизмати лавозимлари малака даражалари бериш ҳамда хизмат текширувлари ўтказиш бўйича “Ўзархив” агентлиги комиссиялари фаолияти ташкил этади;

давлат фуқаролик хизматчилари томонидан хизмат мажбуриятларини бажарилишини ва давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бўлган чекловларга риоя этилиши назорат қилади;

соҳада давлат фуқаролик хизматчиларини қайта тайёрлашни, уларнинг малакаси оширилишини ва таълим олишини мунтазам ташкил этади.

давлат фуқаролик хизмати соҳасида бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**II. “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ва мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари бўйича 2022 йил III ва IV чорак учун фаолияти кўрсаткичлари тўғрисида**

*(У.Юсупов, Ж.Хушвақтов, Ш.Садиков, Х.Исаев, Ш.Хожибоев, Д.Кучарова, А.Маманазаров, Д.Закирова, У.Юсупов)*

4. “Ўзархив” агентлиги директори У.Юсуповнинг “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ва мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари бўйича 2022 йил III ва IV чорак учун фаолияти кўрсаткичлари тўғрисидаги ахбороти, хусусан:

2022 йил III ва IV чорак режасида Агентлик директори ўринбосари – Ш.Садиковнинг 1-4,6,8-бандлардаги режа кўрсаткичлари, Агентлик директор ўринбосари – Х.Исаевнинг 1-2,4-5-бандлардаги режа кўрсаткичлари оширилиб режалаштирилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчисининг 2022 йил 18 август №12/1-1915-сон топшириғи ҳамда унга мувофиқ 2022 йил III ва IV чораклари учун Агентлик директори ўринбосарлари фаолияти мақсадли кўрсаткичлари қайта кўриб чиқилганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

5. “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ва мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари бўйича 2022 йил III ва IV чорак учун фаолияти кўрсаткичлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Агентлик директори ўринбосарларининг эътибори уларнинг ўзига бириктирилган тармоқ ва соҳалардаги фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти олдида шахсан жавобгар ҳамда Вазирлар Маҳкамаси олдида ҳисобдор эканлигига қаратилсин.

7. Агентлик директори ўринбосарлари мазкур баён билан тасдиқланган фаолият кўрсаткичлари ижроси бўйича ҳар ой якуни билан оммавий ахборот воситалари орқали ахборот берилишини таъминласинлар.

8. Агентлик директори ўринбосарлари мазкур баён билан тасдиқланган фаолият кўрсаткичларининг I чорак якуни бўйича бажарилиши ҳолати жорий йил 3 апрелга қадар Агентлик Ҳайъати йиғилишида танқидий кўриб чиқилиши ҳамда унда ҳар бир директор ўринбосари фаолиятига шахсий баҳо берилган ҳолда тегишли материаллар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилиши кўрсатиб ўтилсин.

9. Мазкур баён ижросини таъминлаш билан боғлиқ ташкилий чора-тадбирлар, шу жумладан, Агентлик директори ўринбосарлари фаолияти кўрсаткичларининг бажарилиши ҳолатини ҳар ой якуни бўйича оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб бориш, шунингдек, I чорак якуни бўйича Агентлик Ҳайъати йиғилиши материалларини тайёрлаш Агентликнинг Архив иши ва иш юритиш ҳолати устидан давлат назорати бўлими зиммасига юклансин.

### **Ш. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор, фармойишлари, топшириқларида белгиланган вазифалар ижроси тўғрисида**

*(У.Юсупов, Ж.Хушвақтов, Ш.Садиков, Х.Исаев, Ш.Хожибоев, Д.Юсупов, Д.Кучарова, А.Мамазаров, Д.Закирова, У.Юсупов)*

10. Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосари Ш.Садиковнинг Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида ўтказилган мажлислар ҳамда ҳудудларга ташрифлар баёнларида белгиланган вазифаларнинг бажарилиш ҳолати ҳақидаги ахбороти, хусусан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва топшириқларидан 2022 йил август ойи ва сентябрь ойининг 1 санасида бажарилиши белгиланган жами 2 та топшириқларнинг тўлиқ ижроси ўз вақтида таъминланганлиги ҳамда муддати ўтган ёки кечиктириб бажарилган топшириқлар мавжуд эмаслиги;

2022 йил 30 август ҳолатига жами 2722 та назоратдаги топшириқлар мавжудлиги, шундан:

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари бўйича топшириқларнинг 93 таси бажарилганлиги, бажариш жараёнидаги ва муддати ўтган топшириқлар мавжуд эмаслиги;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳужжатлари бўйича топшириқларнинг 34 таси бажарилганлиги, бажариш жараёнидаги ва муддати ўтган топшириқлар мавжуд эмаслиги;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳужжатлари бўйича топшириқларнинг 13 таси бажарилганлиги, 2 таси бажариш жараёнидалиги ва муддати ўтган топшириқлар мавжуд эмаслиги;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари бўйича топшириқларининг 44 таси бажарилганлиги, бажариш жараёнидаги ва муддати ўтган топшириқлар мавжуд эмаслиги;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг таркибий бўлинмаларидан келиб тушган ҳужжатларнинг 201 таси бажарилганлиги, 11 таси бажариш жараёнидалиги ва муддати ўтган топшириқлар мавжуд эмаслиги;

вазирлик ва идоралар, ҳамда тизим ташкилотларидан келган ҳужжатларнинг 2281 таси бажарилганлиги, 43 таси бажариш жараёнидалиги, муддати ўтган топшириқлар мавжуд эмаслиги **маълумот учун қабул қилинсин.**

11. “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосарлари (Ш.Садиков, Х.Исаев) ҳамда Назорат ва ижро интизоми сектори бошлиғи (Д.Юсупов):

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарори билан белгиланган **талаблар асосида топшириқларнинг ўз вақтида ва тўлақонли бажарилиши юзасидан таъсирчан чоралар кўрсинлар;**

**топшириқлар ижросини амалда назорат қилинишини шахсан ташкил этсинлар,** бунда марказий аппарат, ҳудудий бошқармалар ва Ўзбекистон миллий архивларида ишларнинг реал ҳолатини танқидий ўрганишга эътибор қаратсинлар;

топшириқларни бажариш бўйича назорат ва ҳисобдорликни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарори билан **белгиланган тартибга қатъий амал қилган ҳолда ташкил этсинлар.**

12. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, Ўзбекистон миллий архивлари ва Архив иши ва иш юритиш маркази директорлари:

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент Фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари билан ишлашда, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарори талабларига ҳамда ижро интизоми ва иш юритишни ташкил этишда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 мартдаги 140-сон қарор талабларига мувофиқ ишларни ташкил қилиш ва ижро интизомининг аҳволи мониторингини олиб бориш тартибига қатъий риоя этилишига эътибор қаратсинлар;

тасарруфидаги қуйи ташкилотларда ижро интизоми ҳолатини мунтазам равишда ўргансинлар ва назоратга олган ҳолда натижадорлигини ошириш юзасида йиғилишларда танқидий муҳокама қилиб борсинлар;

ҳужжатларни рўйхатга олиш ва ижро интизомини таъминлаш тизимининг мавжуд камчиликларини чуқур таҳлил қилган ҳолда амалдаги тартибнинг бузилишига йўл қўйган масъул ходимларга нисбатан ўрнатилган тартибда таъсирчан чоралар кўрсинлар.

**IV. Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, “Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар ижроси тўғрисида**

*(У.Юсупов, Ж.Хушвақтов, Ш.Садиқов, Х.Исаев, Ш.Хожибоев, А.Файзуллаев, Д.Кучарова, А.Маманазаров, Д.Закирова, У.Юсупов)*

13. “Ўзархив” агентлиги директори У.Юсуповнинг Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, “Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар ижроси тўғрисидаги ахбороти, хусусан:

**Давлат дастурининг 18-банди ижроси бўйича:**

“Ўзархив” агентлиги марказий аппарати (бошқарув) фаолиятига сифат менежменти тизимининг халқаро стандартини (ISO:9001) жорий қилиш юзасидан амалий чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги билан келишилганлиги;

шунингдек, “Ўзархив” агентлигининг 2022 йил 10 мартдаги 50-сон буйруғига асосан мазкур режа ҳамда ишчи гуруҳи таркиби тасдиқланганлиги;

“Ўзархив” агентлиги (бошқарув) фаолиятига ISO 9001 халқаро сифат менежменти стандартини жорий этиш бўйича амалий чора-тадбирлар режасига мувофиқ, Агентликда халқаро стандартни жорий этиш (баҳолаш аудитини ўтказиш, ходимларни малакасини ошириш) мақсадида Агентлик томонидан техник шартлар лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги, бугунги кунда шартнома тузиш ишлари олиб борилаётганлиги;

#### **Давлат дастурининг 274-банди ижроси бўйича:**

2022 йил 20 апрель куни Ўзбекистон давлат санъат музейида “Зинаида Ковалевская таваллудининг 120 йиллиги”га бағишланган ижодий кўргазма ўтказилганлиги;

мазкур кўргазма материаллари (пресс-релиз) ҳамда фотоқўргазма жараёнидан видеотасвир ва фотосуратлар Ўзбекистон Кинофотофоно ҳужжатлари миллий архиви сақлови учун олинганлиги;

#### **Давлат дастурининг 275-банди ижроси бўйича:**

2022 йил 30 май куни Ёшлар ижоди марказида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Миллатлараро дўстлик маркази ташаббуси билан ўтказилган “Заминда тинчлик бизнинг қўлимизда” халқаро болалар расмлари кўргазмасида Агентлик вакиллари иштирок этганликлари;

#### **Давлат дастурининг 356-банди ижроси бўйича:**

“Марказий Осиё давлатлари музейлари ҳамда архивлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, икки мамлакат тарихи ва маданиятини акс эттирувчи каталогларни биргаликда нашр этиш” юзасидан Маданий мерос агентлиги, Маданият вазирлиги ҳамда нухаси Ташқи ишлар вазирлигига “Ўзархив” агентлигининг таклиф хати юборилганлиги;

“Ўзархив” агентлиги ташаббусига кўра “Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги ва Тожикистон Республикаси Ҳукумати ҳузуридаги Архив бош бошқармаси ўртасида архив иши ва иш юритиш соҳасида Англашув меморандуми” лойиҳаси ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилганлиги;

Қирғиз томонининг таклифига кўра “Қирғиз Республикаси Рақамли ривожланиш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум” лойиҳаси юзасидан жорий йил 24 июнда видеоконференц-алоқа (ВКА) шаклида икки томонлама учрашув ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

14. “Ўзархив” агентлиги, унинг тизимидаги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари, Ўзбекистон миллий архивлари ва Агентлик ҳузуридаги Архив иши ва иш юритиш бўйича малака ошириш илмий-методик марказининг 2022 йилдаги устувор вазифалари этиб белгилансин:

“Инсон-жамият-давлат” тамойили асосида фаолиятни йўлга қўйиш;

“Инсон қадри учун” тамойили бўйича фуқароларга хизмат кўрсатишнинг замонавий услубидан фойдаланишни кенг тарғиб этиш;

Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси ва “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажаришда;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2021 йил 6 ноябрда Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз” номли маърузаларида соҳага оид йўналишларда фаолиятни йўлга қўйиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижро интизомини мустаҳкамлаш, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини самарали ташкил этишда барча даражалардаги раҳбарларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш бўйича 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони ижросини тўлақонли таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарорларида;

республика ҳудудларидаги учрашувлар ва йиғилишлардаги маърузаларида; давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда ҳокимликлар раҳбарларининг Давлатимиз Раҳбари ҳузуридаги ҳисоботлари бўйича 2022 йил ва келгуси йиллар учун истиқбол режаларнинг, топшириқларнинг устуворликлари; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг 2020 йил 21 январдаги қўшма мажлисида тақдим этилган Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракатлар дастурида белгиланган устувор вазифалар.

## **V. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг 2022 йил 25 июлдаги 117-сон баёни ижроси тўғрисида.**

*(У.Юсупов, Ж.Хушвақтов, Ш.Садиков, Х.Исаев, Ш.Хожибоев, Ш.Турсунбаев, Д.Кучарова, А.Маманазаров, Д.Закирова, У.Юсупов)*

15. “Ўзархив” агентлиги директори У.Юсуповнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг 2022 йил 25 июлдаги 117-сон баёни ижроси тўғрисидаги ахбороти, хусусан:

Ўзбекистон Республикасининг “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги **Қонуннинг 17-моддасига асосан** фаолиятида, ўқув нашрларида, картографик, архив маълумотномасида, энциклопедик нашрларда, эълонлар, реклама, йўл белгилари, почта жўнатмаларида **географик объектларнинг рўйхатдан ўтказилган номларидан фойдаланишини;**

географик объектлар номларининг йўл белгиларидаги, пешлавҳалар ва бошқа кўрсаткичлардаги ёзувларнинг **давлат тили (лотин алифбоси)да ифодаланишини;**

географик объектлар номларининг бирини бошқасига ўзбошимчалик билан алмаштириш, бузиб кўрсатилган номлардан фойдаланиш ҳолатларининг **олдини олиш чоралари кўрилишини таъминлаш;**

баённомада кўрсатилган камчиликларни соҳада қайтарилмаслиги бўйича танқидий муҳокамаси, аниқланган камчиликларни бартараф этишга қаратилган

чора-тадбирларни белгилаш ва ижросини таъминлаш тўғрисидаги кўрсатмаларнинг ижроси ҳақидаги ахбороти **маълумот учун қабул қилинсин.**

16. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, Ўзбекистон миллий архивлари директорлари ўз фаолиятида ҳамда давлат архивларида нашрлар, бланклар, маълумотномалар, эълонлар, почта жўнатмаларида **географик объектларнинг рўйхатдан ўтказилган номларидан фойдаланиш**, пешлавҳалар ва бошқа кўрсаткичлардаги ёзувларнинг **давлат тили (лотин алифбоси)да ифодаланишини** таъминлаш ишларини ташкил этсинлар.

17. Ушбу Ҳайъат йиғилиши қарорлари ижроси юзасидан умумий назорат Агентлик директори ўринбосари Ш.Садиков зиммасига юклатилсин.

Ҳайъат аъзоси:

Баённома тузувчи:

Ш. Садиков

Ш.Хожибоев

Х. Исаев

Д. Кучарова

А. Маманазаров

Д. Закирова



**Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини  
ва мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари бўйича  
2022 йил III ва IV чорак учун фаолияти  
КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Т/р	Асосий мезонлар	Ўлчов бирлиги (кўрсаткич)	шу жумладан:											
			I чорак			II чорак			III чорак		IV чорак		Йиллик	
			Режа	амалда	%	режа	амалда	%	режа	%	режа	%	режа	%
<b>1. Директор ўринбосари (Ш.Садиков, архив хужжатларини такомиллаштириш масалалари бўйича)</b>														
1.	Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди хужжатларини Давлат ҳисоби. Қабул қилинган фондлар ва хужжатлар ҳисоби.	минг сақлов бирлиги	30	45,8	153	30	54,8	182	50		50		<b>160</b>	
2.	Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди хужжатларининг мавжудлиги ва ҳолатини текшириш.	минг сақлов бирлиги	70	105,2	150	70	80,5	115	80		80		<b>300</b>	
3.	Миллий архив фонди хужжатларини идоровий сақловини ташкил этиш ва назорат қилиш.	минг сақлов бирлиги	36	46,5	129	36	53,3	148	50		50		<b>172</b>	
4.	Давлат архивларида сақланаётган хужжатларнинг қимматлигини аниқлаш экспертизасини ўтказиш.	минг сақлов бирлиги	20	25,6	128	20	28,5	142	25		25		<b>90</b>	
5.	Ташкилот ва корхоналарда архив иши ва иш юритиш ҳолати устидан давлат назорат текширувини амалга ошириш.	ташкилот сони	50	55	110	50	50	100	50		50		<b>200</b>	
6.	Давлат архивлари томонидан ташкилотлар ва корхоналарда архив иши ва иш юритиш бўйича услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш.	ташкилот сони	300	342	114	300	317	105	320		320		<b>1240</b>	

Т/р	Асосий мезонлар	Ўлчов бирлиги (кўрсаткич)	шу жумладан:											
			I чорак			II чорак			III чорак		IV чорак		Йиллик	
			Режа	амалда	%	режа	амалда	%	режа	%	режа	%	режа	%
7.	Архивчи ва иш юритувчи кадрларни билим ва малакасини ошириш.	нафар	250	250	100	250	256	102	250		250		<b>1000</b>	
8.	“Ijro.gov.uz” ижро интизومي идоралараро ягона электрон тизими орқали топшириқ ва вазифалар ижросининг таъминланиши.	та	10	10	100	9	9	100	10		24		<b>53</b>	
<b>2. Директор ўринбосари (Х.Исаев, ахборот технологияларини ривожлантириши масалалари бўйича)</b>														
1.	Миллий архив фондидаги алоҳида ҳужжатларни рақамлаштириш (электрон нусха олиш).	минг та	52,5	52	99	52,5	53	101	52,8		52,8		<b>210,6</b>	
		минг кадр	3150	3455	109,7	3150	4516	143	3500		3500		<b>13300</b>	
2.	Бошқарув ҳужжатлари рўйхатларини рақамлаштириш (электрон нусха олиш).	та	420	420	100	420	530	126	500		500		<b>1840</b>	
3.	Давлат архивларида замонавий ахборот технологиялари қурилмалари билан таъминланиши.	та	12	12	100	12	12	100	13		13		<b>50</b>	
4.	Архив ходимларини ахборот технологиялари йўналишида билим ва кўникмаларини ошириш.	нафар	30	25	83,3	30	35	117	35		35		<b>130</b>	
5.	“Ijro.gov.uz” ижро интизومي идоралараро ягона электрон тизими орқали топшириқ ва вазифалар ижросининг таъминланиши.	та	1	1	100	1	1	100	3		3		<b>8</b>	

**Изоҳ:** 2022 йил учун тасдиқланган мазкур кўрсаткичларнинг III ва IV чорак режасига кўйидагича ўзгартиришлар киритилди:

1. Директор ўринбосари – Ш.Садиковнинг 1-4,6,8-бандлардаги режа оширилди;

2. Директор ўринбосари – Х.Исаевнинг 1-2,4-5-бандлардаги режа оширилди.